

THE ROLE OF BUDGET REVENUES IN ENSURING THE FINANCIAL INDEPENDENCE OF LOCAL BUDGETS

Inogamov Khayot Ilyasovich

Independent Researcher, Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

It is no exaggeration to say that many practical steps were taken in February 2017 within the framework of implementing the Action Strategy aimed at further developing Uzbekistan. In particular, we believe that the prioritization of areas such as optimizing budget expenditures and decentralizing fiscal policy, as outlined in paragraph 127 of the State Program for the implementation of this strategy, reflects the need for financial independence of local budgets.

Эътибор бериш лозим, сўнги йилларда маҳаллий бюджетларнинг молиявий сиёсатини амалга ошириш борасида жамоатчиликнинг иштироки алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Жумладан, бюджет сиёсатини ишлаб чиқиш ва маблағлардан фойдаланишда аҳолининг фикрини инобатга олиш механизмининг кенгайиб бораётганлиги кузатиш мумкин. Бу борада, давлат ҳокимияти органларининг қабул қилаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари эътиборга молик ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сон фармонининг 18-бандида маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда бюджет маблағларидан фойдаланишда фуқароларнинг тилак ва истакларини инобатга олиш белгилаб берилган.

Қайд этиш лозим, ушбу тажрибанинг жорий этилиши маҳаллий бюджетларда марказий ваколатли органдан мустақил равишда фуқаролар билан биргаликда молиявий қарорлар қабул қилиши бўлган имкониятни

вужудга келтиради. Бу эса, маҳаллий молия сиёсатига масъул бўлган идораларнинг аҳоли билан ҳамкорликда молиявий ваколатларни амалга оширишнинг заруратини ифодалаб беради.

Бизнингча, маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланишда фуқароларнинг иштироки истиқболли йўналишлардан бўлсада, улар томонидан таклиф этиладиган жараёнлар ёки ҳолатлар непрофессионал молиявий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Шу боисдан, мамлакатда молиявий сиёсатни тартибга соладиган қонунчилик меъёрларига риоя этилиши жиҳатидан профессионал молия билимига эга бўлган мутахассисларга бўлган зарурат сақланиб қолади, деб ўйлаймиз.

Ўз навбатида, ҳудудий молиявий сиёсатни амалга ошириш ва уни тартибга солишда марказий молия давлат бошқаруви органларининг белгилаган қоидалари ва кўрсатмаларини фуқароларнинг сўровлари билан ўзаро уйғунликда бирлаштириш малакали тажрибага бўлган талабни шакллантириб беради. Бу эса, маҳаллий молиявий мустақилликни таъминлашда профессионал молиявий билимларга бўлган доимий эҳтиёжни келтириб чиқаради, деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотларимизда бюджетнинг даромадлари кесимида маҳаллий бюджетларнинг молиявий қарор қабул қилиш борасидаги фаолиятларига доир илмий асарларни ўрганиб чиқишни давом эттирамиз.

Проф. А.Мусағалиев ўзининг докторлик диссертациясида ҳудудий бюджет даромадларини оширишда юридик шахсларни солиққа тортиш билан боғлиқ трендларни таҳлил қилиб ўтади¹. У томонидан ер қаъридан фойдаланганлик фаолиятига солиқ солишда келадиган тушумларни ҳудуд бюджетига йўналтириш мезонини жорий этиш ва бонуслар юзасидан тушумларни қисман маҳаллий бюджет даромадлари сифатида

¹ Мусағалиев А.Ж. Минтақа бюджет даромадларини шакллантиришда юридик шахсларни солиққа тортиш механизмларининг самарадорлигини ошириш йўллари (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): и.ф.д. ... автореферат. – Т.: ЎЗРФА Қорақалпоғистон бўлими, 2019. – 66 б.

қолдирилишини устувор жиҳат тарзида асослашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, мамлакатимиз минтақалари ўртасида иқтисодий тафовутлар мавжудлигини инобатга олиб, шунга мос равишда ёндашувлар ишлаб чиқишни таклиф этади.

Проф. А.Исламқулов ўзининг илмий тадқиқотида бюджетлараро мутаносибликни барқарорлаштиришда солиқлар тизимидан самарали фойдаланишга қаратилган мустақил ёндашувларини асослаб беради. У томонидан марказий ва ҳудудий бюджетлар ўртасида қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумларни тақсимлашда бюджетлараро уйғунликда келиб чиқиб амалга оширишни жорий этиш таклиф этилган. Шунингдек, бюджет тизими бюджетлари ўртасида солиқ ваколатини амалга оширишнинг учта моделини мисол сифатида келтириб ўтади².

Ф.Файзиев ўзининг монографик тадқиқотида маҳаллий бюджетлар даромад базасини кенгайтиришга қаратилган ўзининг илмий хулосаларини ишлаб чиқади³. У ўзининг илмий хулосасида маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини ошириш учун солиқ ставкаларини индексациялаш методини жорий этишга бўлган ёндашувни таклиф этади.

Фикримизча, маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятларини рўёбгачикариш орқали ҳудудий молиявий мустақилликни оширишга қаратилган изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур илмий тадқиқотларда маҳаллий бюджетларнинг солиқ салоҳиятини ишга солиш орқали қўшимча даромад манбаларини шакллантириш ва натижада молиявий мустақилликка эришишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш назарда тутилганлиги билан ўзига хос аҳамиятга эга.

² Исламқулов А.Х. бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш: и.ф.д. ... автореферат. – Т.: ТМИ, 2020. – 72 б.

³ Файзиев Ф.А. Маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтиришда бириктирилган солиқлар ролини ошириш масалалари: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т.: ДСҚ хузуридаги Фискал институти, 2021. – 58 б.

Ж.Эргашов ўзининг докторлик диссертациясида маҳаллий бюджетлар даромадларини прогнозлаштириш масалаларига эътибор қаратади. Ж.Эргашов ўзининг илмий ёндашувида маҳаллий ҳокимият органларига узок ҳудудлардаги мулкларни ижарага бериш юзасидан солиқ ставкаларини ўзгартиришга молиявий ваколатларни кенгайтириш бўйича ислохотларни таклиф этади⁴.

Л.Буранова томонидан ҳудудларнинг молиявий салоҳиятини баҳолаш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромадлари базасини кенгайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борган. Унинг фикрича, ҳудудларнинг молиявий салоҳияти ҳудудий бюджетларнинг даромадлари билан боғлиқлиги оралиқ индекс коэффициентини баҳолаб боришни таклиф этади. Мазкур коэффициент 0,1 дан 1,0 оралиғидаги миқдорлар билан ўлчаниши кўрсатиб ўтилади. Жумладан, ҳудуднинг молиявий салоҳияти оралиқ коэффициентини мазмунан ўта паст даражадан жуда юқори бўлган миқёсга қадар табақалашганлиги билан ифодаланиши кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, мазкур оралиқ коэффициентнинг миқдорлари Сурхондарё вилояти ҳудудлари кесимида сновдан ўтказилиб тадқиқот илмий хулосалари шакллантирилади⁵.

Маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини таъминлашда бюджет даромадларини тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлган кўплаб тадқиқотлар олиб борилганлигини қайд этиш лозим. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда уларнинг молиявий қарорларни қабул қилиши билан боғлиқ бўлган илмий назарий қарашларни тизимлаштириш асосида қуйидаги ёндашувларимизни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

ITALY

EPS 10

⁴ Эргашов Ж.А. Маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштириш ҳамда даромадларни ошириш масалалари: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т.: ТДИУ, 2023. – 57 б.

⁵ Буранова Л.В. Ҳудудларнинг молиявий салоҳиятини баҳолаш орқали маҳаллий бюджетлар даромадларини мустаҳкамлаш масалалари (Сурхондарё вилояти мисолида) : и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т.: ТДИУ, 2023. – 57 б.

Бириичидан, маҳаллий бюджетларнинг солиқ салоҳияти даромадларни бошқариш билан боғлиқ ваколатларни ўзгартириш билан ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлаш лозим.

Иккинчидан, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини таъминлашда бириктирилган солиқларнинг роли сезиларли таъсирга эга эканлиги кўплаб илмий хулосаларда ўз аксини топмоқда.

Учинчидан, маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари таркибидаги мол-мулк ва ер солиғини бирлаштириш орқали уни бошқаришни соддалаштириш ва у билан боғлиқ молиявий сиёсатни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатларини оширишга қаратилган илмий қарашлар илгари сурилмоқда. Бундан кўзланган мақсад маҳаллий кенгашларнинг молиявий сиёсатдаги ролини янада мустаҳкамлаш орқали таъсир чораларини қўллашга инструментларни ривожлантиришга урғу берилмоқда.

Бизнингча, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллиги уларнинг молиявий қарорлар қабул қилишидаги ваколатларнинг нечоғлиқ уйғун бўлиши билан ифодаланиши кўзга ташланмоқда. Умуман олганда, маҳаллий бюджетларнинг молиявий фаолиятида харажатлар қисмида аҳолининг иштирокига устуворлик берилган бўлса, даромадлар йўналишида маҳаллий кенгашларнинг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган илмий ёндашувлар илгари сурилмоқда. Бу эса, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш борасидаги қарашларни ишлаб чиқишда ўзига хос аҳамиятга эга ҳисобланади.

ITALY

EPS 10